

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

2020
йил

Илм-маърифат ва рақамли
иқтисодиётни ривожлантириш йили

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган

2020-йил 27-март, жума 18-19 (9055-9056) -сонлар

e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ, ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСЛАРИГА ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 23 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил
24 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

(Давоми 2-3-саҳифаларда)

Шавкат МИРЗИЁЕВ: ШИФОКОРЛАРНИНГ ЎЗ КАСБИГА САДОҚАТИ, МЕҲНАТИ – ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини
Шавкат Мирзиёев раислигида 26 март кунин
коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши
куралишни кучайтириш масалаларига
бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Тадбир аввалида давлатимиз раҳбари ушбу масала бўйича халқимизга яна бир бор муножаат қилди:

– Бугунги кунда бутун дунё, инсоният оғир кунларни бoшидан кечирмоқда. Коронавирус инфекцияси 190 дан зиёд мамлакатга тарқалиб, пандемияга айланди. Афсуски, ушбу касаллик мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади.

Шу сабабли, Бош вазир раҳбарлигида республика комиссияси тузилиб, Инқирозга қарши куралиш жамғармаси ташкил этилди.

Пандемияга қарши куралиш ва унинг оқибатларини юмшатиш учун жамғармага 10 триллион сўм миқдоридан маблағ йўналтирилди.

Бу офатдан халқимизни асраш бўйича мамлакат миқёсда таъсирчан чоралар кўрилмоқда. Хусусан, касаллик аниқланган илк кунданоқ барча таълим ва диний муассасалар фаолияти, халқаро ва ички жамоат транспортлари қатнови тўхтатилди.

Одамлар гавжум бўладиган жойлар, хусусан, барча буюм бозорлари, умумий оқватлиниш шохобчалари вақтинча ёпилди. Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхона ва ташкилотлар ходимларига таътил берилиб, масофавий ишлашга ўтказилмоқда.

Мамлакатнинг барча тиббиёт муассасалари кучайтирилган иш режимида ўтказилиб, 11 та тиббиёт муассасаси ва 97 та сиҳатгоҳ, оромгоҳ ва ётоқхоналар карантинга ихтисослаштирилди.

Ушбу вирусли инфекцияни жиловлash, тарқалишининг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш мақсадида уй шароитида 80 мингга яқин, стационарда 12 минг нафар фуқаро карантинга олинган.

(Давоми 4-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ КЕНГ ТАРҚАЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш ҳамда беморлар саломатлигини тиклашда нодавлат тиббиёт ташкилотлари имкониятларидан фойдаланиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан коронавирус инфекцияси тарқалиши асоратларини камайтириш, беморларга самарали тиббий хизмат кўрсатишни ташкил этиш мақсадида давлат тиббиёт муассасаларида 5 мингдан ортиқ ўрин-жойлар захираси яратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасига коронавирუსнинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг (кейинги ўринларда – Махсус комиссия):

(Давоми 3-бетда)



Хайрли ишлар бир-бирига уланмоқда

Қорақалпоғистон Республикаси Қанликўл туманида “Коронавирусга қарши бирга курашамиз!” шиори остида хайрия акцияси ўтказилди.

Туман деҳқон бозори ҳудудида ўтказилган акцияда “Kanteks invest” масъулияти чекланган жамияти томонидан тайёрланган 5000 дона

тиббий никоб, шунингдек, “Бегибек Темур”, “Асал-Лаззет” каби бир нечта хусусий корхоналар ҳомийлигида нон, гуруч, макарон сингари озиқ-

овқат маҳсулотлари ва гигиена воситалари аҳолига бепул тарқатилди. Мақсад **ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА)** олган суратлар.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ, ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСЛАРИГА
ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ
КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

(Боши 1-саҳифада)

1) куйидаги мазмундаги 244⁵-модда билан тўлдирилсин:**"244⁵-модда. Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш**

Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, – базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маълумотларни нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёки оммавий ахборот воситалари, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олти соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади";

2) 257¹-модданинг матни куйидаги тахрирда баён этилсин:**"Санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш, шу жумладан карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ўтиш ва даволаниш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойларни белгиланган муддат давомида тарқатмаслик, касаллик юқиш хавфи мавжуд бўлган даврда мулоқотда бўлинган шахслар ва борилган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик одамларнинг оммавий касалланиши ёки захарланиши реал хавфини келтириб чиқарса ёхуд одамларнинг оммавий касалланишига ёки захарланишига олиб келса, –**

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солиш ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш одамнинг ўлимига сабаб бўлса, –

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш одамларнинг ўлимига сабаб бўлса, –

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади".

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар) **381²-моддаси биринчи қисмининг 1-банди** "244⁴-моддаси биринчи қисмида (божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятлардан ташқари)" деган сўзлардан кейин "244⁵-моддасида" деган сўзлар билан тўлдирилсин.**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда;

2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) III бобнинг номи куйидаги тахрирда баён этилсин:

"III БОБ. МАЪМУРИЙ ЖАЗО ВА МАЖБУРЛОВ ЧОРАСИ";2) куйидаги мазмундаги 29²-модда билан тўлдирилсин:**"29²-модда. Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш**

Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузишга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан тегишли тиббий асослар мавжуд бўлган тақдирда давлат санитария назорати органлари томонидан карантинда сақлаш ёки даволаниш тарзидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ, ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСЛАРИГА ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

(Боши 1-2-саҳифаларда)

Тиббий йўсиндаги мажбурият чораси ўттиз суткагача бўлган муддатда маъмурий жазо тайинлаш билан бирга қўлланилади ҳамда давлат санитария нazorати органлари томонидан белгиланган жойларда ижро этилади.

Тиббий йўсиндаги мажбурият чорасининг ижроси давлат санитария нazorати, ички ишлар ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари томонидан таъминланади”;

3) **54-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида ваколатли органнинг махсус талабларига зид равишда жамоат жойларида ниқобсиз бўлиш –

базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлишининг ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида белгиланган мажбурий қоидаларни бузиш, шу жумладан карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида шифохо-

надаги ички тартибга риоя этмаслик, давлат санитария нazorати органларининг тиббий текширувдан ўтиш ва даволаниш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойларни белгиланган муддат давомида тарк этмаслик, касаллик юқиш хавфи мавжуд бўлган даврда мулоқотда бўлинган шахслар ва борилган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади”;

4) **257-модда иккинчи қисмининг иккинчи – тўртинчи хатбошилари** куйидаги тахрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария инспектори ва унинг ўринбосари;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат санитария-эпидемиология нazorати бошқарма бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари;

давлат санитария-эпидемиология нazorати бошқармалари туман (шаҳар) филиалларининг

мудирлари”;

5) **287-модда:**

1-банди “51⁹” рақамидан кейин “54” рақами билан тўлдирилсин;

9-бандидаги “61” рақами “54, 61” рақамлари билан алмаштирилсин;

6) **288-модданинг учинчи қисмидаги** “56” рақами “54, 56” рақамлари билан алмаштирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 26 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ КЕНГ ТАРҚАЛИШИНING ОЛДИНИ ОЛИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

нодавлат тиббиёт ташкилотлари-га шошилинч профилактика ва эпидемияга қарши чоралар кўрилишини талаб қилувчи юқумли касалликлар қаторига киритилган коронавиралар инфекцияси билан касалланган беморларга, истисно тариқасида, 2020 йил 1 сентябрга қадар тиббий хизмат кўрсатишга рухсат бериш;

нодавлат тиббиёт ташкилотлари томонидан коронавиралар инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиши фақат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва нодавлат тиббиёт ташкилотлари ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

3. Белгилансинки: коронавиралар инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш учун нодавлат тиббиёт ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан, истисно тариқасида, танлов (тендер) ўт-

казмасдан аниқланади;

нодавлат тиббиёт ташкилотларининг коронавиралар инфекцияси билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ харажатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади;

ушбу қарорнинг 2-банди иккинчи хатбошисида белгиланган муддат Махсус комиссия томонидан ўзгартирилиши мумкин.

4. Ўрнатилсинки, эпидемиология вазиятдан келиб чиқиб, зарурат юзага келганда Махсус комиссия қарорига асосан коронавиралар инфекциясини аниқлашда нодавлат тиббиёт ташкилотлари билан келишилган ҳолда уларнинг лаборатор-диагностика хизматларидан фойдаланилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

нодавлат тиббиёт ташкилотларида коронавиралар инфекцияси билан касалланган беморларга

тиббий хизмат кўрсатиш бўйича шартномаларни тезкорлик билан тузиш;

нодавлат тиббиёт ташкилотлари тиббиёт ходимларига коронавиралар инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ҳамда уни даволашнинг замонавий ва самарали усулларини қўллаш юзасидан амалий кўникмаларни ўргатиш;

коронавиралар инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ эпидемиология вазиятдан келиб чиққан ҳолда нодавлат тиббиёт ташкилотларининг лаборатор-диагностика хизматларидан фойдаланиш бўйича Махсус комиссияга таклиф киритиш;

беморларни нодавлат тиббиёт ташкилотларига жойлаштириш ва даволаш натижаларининг қатъий ҳисобини юритиш;

нодавлат тиббиёт ташкилот-

ларининг хизмат кўрсатувчи ходимларини шахсий гигиена талабларига қатъий амал қилган ҳолда фаолият кўрсатишларини таъминлаш;

нодавлат тиббиёт ташкилотлари бино-иншоотларининг дезинфекция воситалари билан тизимли равишда ишлов берилишини таъминлаш;

дезинфекция тадбирларини тўлиқ амалга ошириш учун етарли миқдорда дезинфекция воситалари захирасини яратиш чораларини кўрсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини нazorат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 26 март

Шавкат МИРЗИЁЕВ: ШИФОКОРЛАРНИНГ ЎЗ КАСБИГА САДОҚАТИ, МЕҲНАТИ – ЖАСОРАТ НАМУНАСИ

(Боши 1-саҳифада)

Пандемияга қарши курашиш бўйича 100 минг атрофида тиббиёт ходимлари мобилизация қилиниб, уларга ҳоқимиятлар, ички ишлар тизими, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари яқиндан кўмаклашмоқда.

Шунингдек, хориждаги фуқароларимизни қайтариш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Дастлаб уларни Хитойдан эвакуация қилган бўлсак, ҳозирда барча давлатлардан олиб келинмоқда.

Хориждаги ҳамма дипломатик ваколатхоналаримизда штаблар ташкил этилган. Охириги 10 кун ичида 20 та чартер рейслар амалга оширилди. Россия, Туркия, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Корея, Миср, Малайзия, Ҳиндистон, Таиланд, Индонезия ва Германиядан тўрт мингга яқин фуқароларимиз олиб келинди, қўшни давлатлар билан чегараларимиздан 80 мингдан ортиқ ватандошларимиз ўтказилди ҳамда юртимизда ташкил этилган профилакторий, санаторий ва бошқа шифо масканларида карантинга олинди.

Бундан ташқари, дипломатик миссияларимиз Россия, Хитой, Сингапурдан экспресс-тестлар, тиббий анжомлар ва гуманитар юкларни олиб келиш бўйича амалий ишларни бажармоқда, илгор давлатларнинг етакчи, хавотирга ўрин йўқ, деб хотиржам бўлиш ҳиёнат ҳисобланади.

Бир нарсани аниқ тушуниб олиш лозим. Бизда аниқланган касаллар сони кам-ку, 100 тага ҳам етмайди, хавотирга ўрин йўқ, деб хотиржам бўлиш ҳиёнат ҳисобланади.

Чунки, коронавирус менга юкмайди деб бефарқ юрганлар нафақат ўзининг, балки ота-онаси, фарзандлари, атрофидагилар, қолашади, бутун халқимизнинг соғлиги ва ҳаётини катта хавфга қўйишни чуқур англаб етиши керак.

Давлат томонидан кўрилатган чоралар одамларимизнинг касалликни юқтириб олиш эҳтимолини имкон қадар чегаралаш, вирусли инфекциянинг тарқалишини жилаволашга қаратилган.

Тиббиёт қанчалик ривожланган бўлмасин, давлат бунга қанча-қанча маблағ ажратмасин, одамларимиз шифокорлар тавсиясига амал қилмасе, тартиб-интизомли бўлиб, карантин қоидаларига риоя этмасе, барча кўраётган чораларимиз, пандемияга қарши курашиш

учун сафарбар қилинган юз минглаб фидойи инсонларнинг меҳнати беҳуда кетиши мумкин.

Айрим ҳудуд раҳбарлари ҳозирга қадар фуқароларга мурожаат билан чиқиш ва юзга келган вазиятни аҳоли ўртасида тушунтириш чораларини кўрмаяпти. Маҳаллий телеканаллар, газета ва журналларда, ижтимоий тармоқларда ишлар лозим даражада ташкил этилмаёпти.

Вилоят, шаҳар ва туман, 4 та сектор раҳбарларининг эпидемиологик осойишталик учун шахсий жавобгар эканлиги ҳақида қатъий оғоҳлантирмаман. Сизлар коронавирус инфекциясининг тарқалишига йўл қўймаслик, карантин режимини бузишнинг барча салбий оқибатларини аҳолига тушунтириш бўйича туну кун ишлашнингиз шарт.

Маҳалла фуқаролар йиғинларига ҳам кўп эътирозларим бор. Жойларда маҳалла фаолларининг роли умуман сезилмаяпти. Маҳалла раисларининг кўз олдида айрим фуқаролар кўп одамларни йиғиб, дабдабали маросим ва тадбирларни ўтказишни давом эттирмоқда.

Мисол учун, Фаргона вилояти Ёзёвон тумани Бегуний маҳалласида яшовчи аёл Умрадан қайтиб келиб, уйда карантинда бўлиш талабларини кўпол равишда бузиб, эртаси куни 120 нафар кишини чақириб, дабдабали маросим ўтказган. Оқибатда унинг 4 нафар оила аъзоси инфекция юқтиргани аниқланди. Яна қанча одам касаллангани ҳали номаълум.

Шу боис карантин қоидаларини бузганлик учун жазо чораларини кучайтириш тўғрисида парламентимиз қабул қилган қонунни имзоладим. **Ушбу қонунга асосан, бундан буён карантин даврида атрофидаги инсонларнинг соғлиги ва ҳаётини хавф остига қўйганлар 10 йилгача озодликдан маҳрум этилади.**

Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Санитария-эпидемиология назорати инспекцияси қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлигини қатъий таъминлаши шарт.

Ишончим комил, оиласи, фарзандлари, эл-юрти тинчлиги, соғлигини ҳамма нарсадан устун қўядиган доншманд халқимиз бундай ҳолатга тушиб қолишни ҳеч қачон истамайди.

Коронавирус пандемияси бутун инсоният учун Яратганининг берган бир синовидир. Халқимиз жипслашиб, шифокорларнинг барча тавсияси, кўрсатмаларига амал қилсалар, одамларимиз карантин даврида ҳаётини заруратсиз ўз хонадонларини тарк

этмасе, касалликнинг илк белгилари аниқланганда, уни яширмай шифокорларга ўз вақтида мурожаат қилсалар, биз бу касалликни, албатта, енгамиз!

Коронавирусга қарши курашишдаги ўзига хос "жанг майдони"да тиббиёт ходимлари биринчи зарбани қабул қилмоқдалар. Оддий ҳақиқатни тан олиш адолатдан бўлади. Касалларга ўз вақтида ёрдам берилсе, улар шифо топади, касалхоналарни тарк этади. Лекин, охириги касал тузалмагунча тиббиёт ходимлари иш жойини тарк этолмайди.

Дунё бўйлаб, хусусан, мамлакатимизда шифокорларнинг ўз касбига садоқати, халқимиз, ота-оналаримиз, фарзандларимиз соғлиги йўлида туну кун қилаётган меҳнати барчамиз учун жасорат намунаси бўлмоқда.

Шу сабабли, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишга қўшаётган улкан ҳиссаларини ва фидокорона хизматларини эътироф этган ҳолда, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ишларига жалб этилган тиббиёт, санитар-эпидемиологик ва бошқа ходимларни қўшимча ижтимоий ҳамда моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида алоҳида қарорни имзоладим.

Карантин амал қиладиган муддатда коронавирусга чалинган беморлар билан мулоқотга киришадиган, зарарланган беморлар жойлаштирилган объектларда фаолият олиб бораётган шифокорлар, эпидемиологларга ҳар 14 кунлик фаолият даври учун қўшимча 25 миллион сўм, ҳамшира ва лаборантларга 15 миллион сўм, санитар ходимларга 10 миллион сўм ва бошқа ходимларга 5 миллион сўм рағбатлантириш тўловлари берилди.

Бундан ташқари, беморлар билан ишлаш вақтида коронавирус юқтириб олган тиббиёт ходимларига 100 миллион сўм миқдорда алоҳида тўлов берилди.

Ҳар бир тиббиёт ходимига алоҳида эътибор қаратиш, коронавирустан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришган тиббиёт ходимларини карантинга олиш, уларга муносиб шароитлар яратиб бериш зарур.

Хурматли тиббиёт ходимлари, ўз ҳаёти ва соғлигини гаровга қўйиб, пандемия билан курашаётган шифокорлар, ҳамширалар, санитар ходимларга бутун Ўзбекистон халқи номидан чексиз миннатдорлик билдираман.

ИЖТИМОЙ ВА ТИББИЙ МУҲОФАЗАНИ КУЧАЙТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 март куни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Маълумки, мазкур касаллик жаҳон иқтисодиётига салбий таъсир этмоқда. Одамлар саломатлигидан иқтисодиётни устун қўйган давлатларнинг аччиқ тажрибаси бу йўлнинг нечоғлиқ нотўғри эканини кўрсатмоқда.

Шу боис мамлакатимизда инфекциянинг кенг тарқалиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда касалликни даволашга барча куч ва воситалар сафарбар қилинди.

Хусусан, карантинга олинган фуқароларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида биринчи босқичда 10 минг ўринга мўлжалланган карантин зонасини барпо этиш ишлари якунланмоқда.

Ушбу вилоятда 2 та беш минг ўринли юкумли касалликлар шифохонаси қурилмоқда. Унинг мингталик биринчи блоки яқин кунларда фойдаланишга топширилади.

Бундан ташқари, Сурхондарё, Наманган ва Навоий вилоятларида ҳар бири минг шифолик модуль касалхона-

лар ва карантин пунктларини жиҳозлаш ишлари бошланди.

Йиғилишда аҳолини ижтимоий ва тиббий муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирликларида 300 мингта экспресс-тест ва 500 та сунъий нафас олдириш аппарати харид қилиш, хавф юқори бўлган аҳоли пунктларида кўча лабораториялар ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Шифокорларимизга амалий ёрдам бериш ва уларнинг малакасини ошириш учун хорижий мутахассисларни жалб қилиш, тиббиёт ниқоблари ишлаб чиқаришни кунига 5 миллион донага етказиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлат органлари ва нодавлат ташкилотлар ўз ходимларининг камда 50 фоизини ҳақ тўланадиган таътилга чиқариши, қолганлар масофадан ишлашга ўтказилиши зарурлиги таъкидланди.

Сурункали касалликка чалинганлар ҳамда 60 ёшдан ошганлар ташқарига чиқмаслиги, бундай ходимлар 100 фоиз

меҳнат таътилига чиқарилиши тавсия этилди.

Тиббиёт ва ҳарбий олий ўқув юрлари талабаларидан иборат кўнгилчилар жамоасини тузиб, ёлғиз кексалар, боқувчиси йўқ оилаларга ҳамда олис ҳудудларга озик-овқат, гигиена ва дори воситалари етказиб беришни ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистонга олиб кирилатган дори-дармонлар, субстанциялар, тиббий техника ва бошқа зарур товарларни боғжона тўловларидан, шу жумладан, қўшилган қиймат солиғидан озод қилиш бўйича кўрсатма берилди.

Мамлакатимизда коронавирус пандемиясининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 19 мартдаги фармонида мувофиқ, бу борада кўплаб имтиёз ва преференциялар белгиланган эди.

Бугунги йиғилишда давлатимиз раҳбари бизнес вакилларининг фикрини инобатга олган ҳолда, уларга яна қў-

шимча енгилликлар бериш зарурлигини таъкидлади.

Қайд этилганидек, 1 октябрга қадар тадбиркорларнинг фойдаланилмаётган объектларига нисбатан мол-мулк ва ер солиғининг оширилган ставкалари қўлланилмайди. 1 ноябрга қадар коронавирус пандемияси туфайли молиявий қийинчиликларни бошдан кечириётган корхоналар банкрот деб эълон қилинмайди. Карантин муддати давомида тадбиркорлик субъектлари фойдаланаётган 3 минг 600 дан ортиқ давлат мулки объектлари бўйича ижара ҳақларини ундириш тўхтатилади. Шунингдек, барча лойиҳалар доирасида инвестициявий мажбуриятларни бажариш муддатлари 6 ойга узайтирилади.

Бундан ташқари, карантин даврида тадбиркорларнинг ҳисоб рақамини тўхтатиб қўйиш тақиқланади. Аҳолига товарларни етказиб бериш ҳамда ташиш хизматларини кўрсатиш учун лицензия олиш талаби вақтинчалик бекор қилинади.

Йиғилишда янги иш ўринлари яратишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадини ошириш ва камбағалликни қисқартириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги сифатида қайта ташкил этилиши маълум қилиниб, унинг асосий вазифалари кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

**КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯСИ ТАРҚАЛИШИГА ҚАРШИ ҚУРАШИШГА ЖАЛБ ҚИЛИНГАН
ТИББИЁТ ВА САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИНИ
Қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Жаҳон миқёсида тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимлари коронавирус инфекцияси (COVID-19) тарқалишининг олдини олиш, аҳоли саломатлиги ва санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда жонбозлик кўрсатишмоқда.

Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишга қўшаётган улкан ҳиссаларини ва фидокорона хизматларини эътироф этган ҳолда, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ишларига жалб этилган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларни қўшимча ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Коронавирус инфекциясидан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришадиган, зарарланган беморлар жойлаштирилган объектларда ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларида фаолият олиб бораётган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга **ҳар 14 кунлик фаолият даври учун қуйидаги миқдорларда (солиқлардан ташқари) махсус қўшимча рағбатлантириш тўлови** (кейинги

ўринларда – махсус тўлов) белгилансин: врач ходимларга, врач-лаборантларга – **25 миллион сўм**;

ўрта тиббиёт ходимларига, ҳамшира-лаборантларга – **15 миллион сўм**;

кичик тиббиёт ходимларига – **10 миллион сўм**; бошқа ходимларга – **5 миллион сўм**.

Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси (А.Н.Арипов) бир ҳафта муддатда махсус тўловларни олувчи мазкур бандда назарда тутилган тадбирларга жалб қилинган бошқа ходимларнинг қўшимча рўйхатини тасдиқласин.

2. Белгилансинки, махсус тўловлар карантин амал қиладиган муддат давомида, шу жумладан, жорий йилнинг март ойи учун, ходимнинг **ҳар 14 кунлик фаолият даври якунида** тўлаб берилди.

3. Коронавирус инфекциясини юқтирган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг оғир аҳволга тушиши ва соғлиғи тикланмаганлиги муносабати билан **бир йўла бериладиган қўшимча тўловлар** миқдорлари иловага мувофиқ

тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинган, зарарланган беморлар билан мулоқотга киришадиган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларни юқори ҳимоя даражасига эга бўлган шахсий ҳимоя воситалари комплекти билан мунтазам равишда таъминласин.

5. Мазкур қарор ижроси билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 26 март

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил “26” мартдаги ПҚ-4652-сон қарорига
илова

Коронавирус инфекциясини юқтирган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки уларнинг оғир аҳволга тушиши ва соғлиғи тикланмаганлиги муносабати билан бир йўла бериладиган қўшимча тўловлар

МИҚДОРИ

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш доирасида беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекцияси юқтириб олган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга тўланадиган бир марталик тўлов миқдори	100 миллион сўм
Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш доирасида беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекциясини юқтириш натижасида оғир аҳволга тушган ва соғлиғи тикланмаган тақдирда тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга ёки уларнинг оила аъзоларига тўланадиган бир марталик тўлов миқдори	250 миллион сўм

Изоҳ. Ушбу тўловлар қонун ҳужжатлари, шунингдек, жамоа шартномалари ва бошқа локал ҳужжатлар ҳамда меҳнат шартномасига мувофиқ ходимнинг соғлиғига шикаст етказилганлиги ёки бошқа оқибатлар юзага келиши муносабати билан тўланадиган тўловларни сақлаб қолган ҳолда қўшимча равишда амалга оширилади.

Хориждан маҳсулот келиши давом этмоқда

Жорий йилнинг 16-24 март кунлари Сурхондарё вилоятига 5,15 миллион доллар миқдоридagi импорт ва 6,6 миллион долларлик экспорт маҳсулотлари божхона расмийлаштирувидан ўтказилди.

Сайёрамизни саросимага солаётган коронавирус инфекцияси сабабли мамлакатимизда карантин жорий этилиб, чегара ўтказиш пунктларида аҳоли ва йўловчи ташувчи транспорт воситаларининг ҳаракати вақтинча тўхтатилди. Лекин, бу чекловда маҳсулотлар экспорти ёки импорти тўхтатилиши назарда тутилмаган. Лўнда қилиб айтганда, коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича олиб борилаётган чоралар ташқи савдо юқларига таъсир кўрсатмайди. Шу боис ҳам мамлакатимизда экспорт ва импорт амалиёти одатда-

гидек туну кун амалга оширилмоқда. Жумладан, Сурхондарё вилояти божхона бошқармасининг воҳадаги 4 та ташқи иқтисодий фаолият божхона пости орқали 24 соат давомида маҳсулотларни экспорт ва импортга расмийлаштирув жараёни қизгин олиб борилмоқда. Хусусан, 16-24 март кунлари вилоятга келтирилган 5,15 миллион доллар миқдоридagi маҳсулотлар импорти ва 6,6 миллион долларлик товарлар экспорти божхона расмийлаштирувидан ўтказилгани ҳам бунга яққол далилдир.

Маълумотларга кўра, юртимизга келтирилган маҳсулотларнинг асосий қисми гуруч, картошка, мандарин сингари озиқ-овқат ва иссиқхона асбоб-ускуналарини ташкил этган бўлса, хорижга цемент, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва бошқа товарлар жўнатилган.

– Озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ошиб кетиши мумкин, дея хавотирга тушишга ҳеч қандай асос йўқ, – дейди вилоят ҳокимлигининг ахборот хизмати раҳбари З.Тўраев. – Воҳада бирламчи озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли захираси яратилган. Бозорларда нарх-наво асосиз оширилиши қатъий назоратга олинган. Шунингдек, четдан келтирилаётган истеъмол товарлари, хусусан, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари импортида узилишлар йўқлиги ҳам

ички бозорда нархлар барқарорлигини бир маромда сақлаб туришда муҳим омил бўлаётир. Фақат сизу биздан шу синовли кунларда янада жипслашиб, карантин талабларига қатъий риоя қилиш талаб этилади, холос.

Айни кунларда жанубдаги вилоятнинг қўшни давлатлар чегарасидаги божхона чегара постларида мамлакатимиз худудига кириб келаётган юк машиналари коронавирус инфекциясига қарши дизенфекция қилинаётир. Ҳайдовчилар тепловизор орқали текширилиб, юк машинасининг давлат рақами, ҳайдовчининг исм-шарифи ва телефон рақами ёзиб олинмоқда. Буларнинг барчаси аҳоли фаровонлигини таъминлаш, мамлакатимизда пандемия инфекцияси тарқаб кетишининг олдини олиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарасидир.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Ўзгариш бор, юксалиш давом этади

ёхуд KHANTEX GROUP пахтачилик кластери фаолиятига бир назар

Кўрғонтепа тумани тоғ олди ҳудудида жойлашган бўлиб, деҳқончилик учун ноқулай жиҳатлар бор. Масалан, ёз чилласида вилоят марказида ҳарорат 40 даражага етганида Кўрғонтепада 33-34 даража иссиқ бўлади. Ёнгарчилик борасидаги фарқланиш эса янада юқори. Қолаверса, Андижон сув омбори айна шу ҳудудда жойлашган.

Сўнги йилларда табиий ва инсон омили боис деҳқончиликда у қадар ривожланиш юз бермади. Айниқса, пахтачиликда ҳаражат ва даромад уйғунлигида паст-баландлик кўзга яққолроқ ташланди. Тўғри, туманда 40-60 центнергача ҳосил яратган фермерлар бўлди. Бироқ, туман миқёсида натижалар ўхшамасди...

2018 йил бошида Кўрғонтепада пахтачилик кластери ташкил этилиши маълум бўлди ва орадан кўп ўтмай бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Баҳор эшик қоқётган дамларда энг сўнги русумдаги техника воситалари кўпчилигини ҳайратини ошираверди.

Деҳқонлар ўртасида "ҳосил кўчатдан чиқади" деган нақл тилдан тушмайди. Маълумки, Ўзбекистон шароитида гўза парвариши 60 ва 90 схемаларида олиб борилади. Кластер мутасаддилари олимлар ва мутахассислар билан схема борасида қайта-қайта ҳисоб-китоб қилишди. Орада ташкилий гуруҳ хорижий тажрибаларни ҳам кўздан кечиришга улгурди. Хулоса шу бўлдики, энг мақбули, дея 76 схемада гўза парваришлагша қарор қилинди.

Ҳайдовнинг чуқурлиги, текислаш ишларининг лазерли техникада олиб борилиши, даланинг покизалиги таъминлангандан сўнг чигит экиш бошланди ва парвариш ўзгача усулда ташкиллантирилди. Кузга бориб эса охириги 30 йилда биринчи марта пахтазорларга хорижий пахта териш машиналари киритилдики, тармоқда ўсиш бўлиши мумкинлиги аниқ бўлди.

Кластер раҳбарияти дала ишларини замонавий усулга ўтказиш билан бир вақтда ип-калава ҳамда пахта тозалаш корхоналари қурилишини тезлаштирди. Корхоналар ишга тушгач, 800 дан зиёд ишсиз юрган ёшлар, аввал тўқимачилик фабрикасида ишлаган ва охирида "бекорчи"га айланган опа-сингилларимиз ҳаётида янгиланиш бошланди. Навбатда тўқув, бўяш, тикиш корхоналари қурилиши бошланди. Ёғ заводи қурилиши учун техник ишланмалар тайёрланди, чигит ва бошқа мойли экинларнинг ёғини олиш-

76 схема билан боғлиқ серуном сеялка, культиватор, зарақундаларга қарши ишлов берувчи мосламалар, пуркагичлар олиб келшда давом этдик. Қайсидир фермерлар бизнинг саъй-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлади, айримлар эса иш унуми ва сифати паст техникаларни афзал ҳам кўришди...

Бир йил давомидаги тажрибалар ва ўрганишлар ҳосиласи шуки, Кўрғонтепада узоқ йиллардан бундан қайт этилмаган натижа янгиликнинг эртасини кўришда ойна вазифасини ўтади. 8136 гектар ерга бир хил –



га оид технологиялар учун Германия компанияларидан бирига буюртма берилди.

– Олдимишга қанчалик улугвор вазифалар кўймайлик, – дейди кластер таъсисчиси Зокиржон Исмоилов. – Пахтачиликда жиддий ўзгариш қилинган тақдирдагина мақсадларимиз рўёбини кўришимиз мумкинлиги аниқ. Биз деҳқончиликда юқори ҳосилдорликни таъмин этишга қодир технологияларни жорий этишда қатъиятлик кўрсатишда орқага чекинмадик,

"Андижон 36" гўза нави қадалди. Мазкур гўза пахтаси ўзининг кўплаб жиҳатлари билан "Бу-хоро-6" навидан ўтса ўтадики, ортада қолмайди. Тўқимачилик саноати учун тола рангининг тиниклиги алоҳида ўрин тутуши маълум. "Андижон 36" толаси айнан тиниклик борасида бренд даражасида десак муболага бўлмайди.

Ҳосилдорлик гектарига 29,3 центнер ўрнига 35 центнерни ташкил этганлиги, режанинг ба-жарилиши 119,2 фоизни ташкил қилганлиги, бунда мавжуд 17 донна терим машиналарининг улуши салмоқли бўлганлиги пахтачиликнинг имкониятлари кенг эканлигини кўрсатди.

Орамизда "бўлади" ёки "бўлмайди" деб ўз сўзига маҳкам ёпишиб оладиганлар бор. KHANTEX GROUP пахтачилик кластерида "бўлади" деганлар асосий кучга айланганлиги илоҳотларнинг энг ёрқин кўри-нишларидан бири десак, ҳақ гапни айтган бўламиз. Икки йилда пахта ҳосилдорлигининг гектарига 10 центнердан ортганлиги замирида айнан шу жиҳат мужассамдир.



Ҳали бу натижа билан асло келишмаслик муҳити яратилмаётганлигининг нишонлари бор, албатта. Бир вақтлар айнан тумандаги собиқ "Савай" хўжалигида оз эмас, 1000 гектар майдонда жорий этилган эди. Натижа кўринаётган бўлсада, номаълум сабаблар оқибатида ушбу янгилик инсон омили туфайли барбод бўлган эди.

2019 йили кластернинг 80 гектар майдонида Исроил технологияси асосида гўзани томчилатиб суғориш технологияси қўлланилди. Олди карта гектарига 70,5 центнердан ҳосил бердики, бу имконият ер танқислиги боис кўндаланг бўлиб турган қийинчиликларни бартараф этишга қобилатдир. Жами майдондан 62 центнердан ҳосил олинганлиги фикримизга далил. Шу кунларда 1000 гектар ерда томчилатиб суғориш усулини жорий этиш билан боғлиқ қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. 35 центнер билан 70 центнернинг фарқини иқтисодий томондан таҳлил этсангиз, ўзбек деҳқонининг ҳам кўкрагига шамол тегшига амин бўласиз. Бу ишга масъул бўлмиш Мансурбек Зулуноннинг эътирофича, томчилатиб суғориш ортидан келадиغان фойда салмоғи ҳар қандай деҳқоннинг кўзини очади.

Жорий йилда зикр этилаётган кластер фаолиятида ўзгача давр бошланади. Июл ойига қадар навбатма-навбат бўяш ва тикув корхоналари ҳамда ёғ заводи иш бошлаши билан янага тизим вужудга келади. Бу мажмуада ишловчилар сафи қарийб, 3000 кишига етади. Ип йиғирув корхонасида Мавлудахон Абдураимова устоз даражасидаги ишчилардан бири. У бир вақтлар Ойим қишлоғидаги тўқув-тикув фабрикасида ишлаган. Узоқ йиллик танаффусдан сўнг Мавлудахон кластер таркибидаги корхонага ишга келди. Ҳозирда у каби фабрикада ишлаган ва сўнгра ишсизлик азобини тортган 50 нафар

опа-сингиллар ёшларга касб сирларини маҳорат билан ўргатишмоқда. Тўқимачилик-тикуччилик мажмуасида технологик жиҳозларни ишга туширишда қатнашаётган Бельгия ва Швейцариядан келган мутахассислар кадрлар тайёрлашнинг устоз-шогирд усулига эътибор қаратишиб, ҳаваслари келганликларини яшира олишмади.

Сафаримиз сўнгида бир воқеликка дуч келдик. Олдига "илғор бригада бошлиғи кластердан соғва" ёзуви туширилган "Равон 3" русумли автомашинага кўзимиз тушди. Зокиржон Исмоилов бизнинг ҳайратимизни кўриб илғорлардан 3 кишига ана шундай мукофот тақдим этилганлигидан воқиф этди. Биз кўрган автомобил "Маъмуробод" массивидан бўлмиш Маҳмуджон Қосимовга қарашли экан. "Дўстлик" массивидан ўсулини жорий этиш билан, "Истиқлол" массивидан Мадаминжон Сотволдиевлар ҳам машиналик бўлишибди. 240 нафар турли касбдаги ишчилар бир хил – "Артель" русумли телевизорлар билан тақдирланишибди.

Кластер мутасаддиларининг ҳисоб-китобларига қараганда яқин йилларда ишловчилар сони камида 10000 кишини ташкил этиши мўлжалланмоқда. Ижтимоий ҳимоя учун алоҳида дастур устида ишлар бошланиши ҳам режада бор. Уй-жой, болалар боғчалари ва хизмат кўрсатиш тармоқларини қуриш ва фойдаланишга топшириш борасидаги лойиҳалар шулар жумласидандир.

Бугун рақамли иқтисодиёт ва инновация технология ҳақида гап-сўзлар беҳад кўп қулоққа чалинмоқда. Биз сўз юритаётган кластерда шу масалада ишлар бошланган бўлиб, натижалар шу йилдаёқ намоён бўлиши кутилмоқдаки, ҳозирча тижорий сир сифатида барчасини очиклашни орта сурдик.

Қобилжон АСҚАРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.



“Каттақўрғон ёғ-мой”

акциядорлик
жамияти жамоаси

*юртдошларимизни, шу жумладан, ерга умид билан
уруғ қадаб, мўл-кўл ҳосил етиштираётган заҳматкаш
деҳқонларни, ёғ-мой саноатида ҳормай-толмай
меҳнат қилаётган соҳа вакилларини қутлуғ айём –*

Наврўзи олам


*билан самимий муборакбод этади ва
барчаларига тинчлик-хотиржамлик, тани
сиҳатлик, бахт, омад тилайди.*

Баҳорий кўтаринки кайфият қалбларингизни ҳеч
қачон тарк этмасин! Амалга ошираётган эзгу
ишларингиз бароридан келсин, азизлар!



Хонқа дон маҳсулотлари АЖ жамоаси

барча
юртдошларимизни
Наврўзи айём билан
қутлайди. Ўйлаган
эзгу ниятларингиз,
орзу умидларингиз
рўёбини кўриб
юришлик насиб этсин,
қадрли ватандошлар!



Ривожланган давлатларда тадбиркорлик субъектлари умумий корхоналар сонининг 90 фоиздан зиёдини ташкил қилади. Эътиборлиси, меҳнатга лаёқатли аҳолининг эса 50 фоиздан ортигини кичик бизнес вакиллари иш билан бандлигини таъминлаган. Ҳозирги кунга келибмамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиши учун тадбиркорлар, ўрта ва кичик бизнес асос бўлиб хизмат қилаётган сир эмас. Уларнинг давлатимиз реал иқтисодиётидаги улуши йилдан йилга ошиб бормоқда Бугунги шиддаткор ислохотлар даврида тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айлангани янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Интилиш ва ташаббус – янги марраларга йўл очмоқда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев парламентга йўллаган Мурожаатномасида 2020 йилни мамлакатимизда "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили", деб эълон қилди. Бу тақлифни барча юртдошларимиз қатори биз каби тадбиркорлар ҳам қўллаб-қувватлади. Юртимизда янги уй-жойлар, йирик заводлар, замонавий инфратузилма объектлари барпо этилмоқда. Табиийки, бундай катта ҳажмдаги ишларни амалга ошириш учун малакали тадбиркорлар, инвесторлар, иқтисодиётчи барқарор корхоналар керак бўлади.

Навоий шаҳрида жойлашган "Zarafshan Golden Group" компанияси қурилиш, меҳмонхона ва ресторан хизмати, тўқимачилик, металл конструкциялар, тош минералларини қайта ишлаш, темир-бетон, гишт, оҳак, туз каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш, мева-сабзавотчилик, чорвачилик йўналишларида самарали фаолият кўрсатиб келаяпти. Компания ўз олдига юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш орқали ўз миллий брендини яратиш ҳамда замонавий архитектура талабларига асосида сифатли уй-жойларни барпо этишни мақсад қилиб кўйган.

Бугунги кунда инновация ибораси ҳар бир соҳада янграётгани ва айнан у орқали ҳаётга чин маънода замонавий англиклар олиб кирилаётгани сир эмас. Шу боис Юртбошимиз мурожаатида, "...Ҳозирги вақтда қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг муҳим "драйвер"ларидан бирига айланди. Бу соҳанинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 6 фоиздан ошгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди. Ушбу тармоқни янада ривожлантириш учун қурилишга оид нормаларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, замонавий қурилиш технологиялари ва материалларини татбиқ этиш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш зарур", дея алоҳида



икки баробарга ошириб, йирик шаҳарларда кўп қаватли турар-жойлар ва ижтимоий объектлар бунёд этилмоқда. Жонажон Ватанимиз "Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари" эзгу ғояси асосида шиддат билан тараққий этмоқда.

Компаниямиз томонидан сўнгги уч йил давомида нафақат Навоий вилоятида 30 дан ортиқ уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, Тошкентда 3 та кўп қаватли 141 хонадонли уйлар бунёд этилди. Айни пайтда пойтахтимизда 2 та уй-жой мажмуаси, бизнес марказ ва меҳмонхона бунёд этмоқдамиз. Қурувчи-бунёдкорларимиз томонидан қад кўтарилган бу уйларда аҳоли учун барча қўлайликлар яратилган.

Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси яқин беш йилликдаги улуғвор вазифалар ва уларни муваффақиятли амалга ошириш, жамиятимизда демократик жараёнларни чуқурлаштиришда барчамиз учун дастуруламал бўлади. Парламентимиз олдида эса мамлакатимизнинг инвестицион жозибадорлигини

нида ҳали кўплаб муаммолар ўз ечимини кутиб турганлигини гувоҳи бўлдим. Айниқса, Қизилтепа туманидаги Ҳасанча, Қалаи Азизон, Оқрабод, Малиқобод, Бободўғ, Сарой, Гамхўр, Хўжақўрғон, Ўртақўрғон ва Узилишкент маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси билан бўлиб ўтган учрашувда маҳаллий Кенгаш депутатлари билан бир қатор масалаларни жойида ечишга келишиб олинди. Шунингдек, Президентимиз томонидан Мурожаатномада илгари сурилган вазифалар, депутатлар олдида турган долзарб масалалар, Сенат ва Қонунчилик палатаси Кенгашларининг "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, марака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори тарғиботини олиб бориш, ёшларни илмга қизиқтириш, жиноятчиликни олдини олиш, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларига йўл қўймаслик, оилавий ажримлар олдини олиш чораларини кўриш, бандлик каби масалалар муҳокама қилинди. Конимех тумани ва Ҳозгон шаҳрида ўтказилган учрашувларда ҳам маҳаллий Кенгаш депутатларининг жамиятдаги ролини ошириш, депутатлик сўровларидан унумли фойдаланиш, эътиборни аҳолининг ҳақли талабларини ўз вақтида ҳал қилишга қаратиш лозимлигига аҳамият берилди.

Албатта, юртдошларимиз биз каби тадбиркорлардан ишсизликни камайтириш, умуман ёшларни банлигини таъминлаш масалаларини ҳал этувчи лойиҳалар билан иштирақ этишни кутади. Шу боис Қизилтепа, Нурота ва Конимех туманларидаги етти нафар кам таъминланган, кўп болали аёллар учун тикув машиналар бепул тарқатилиб, улар бандлигини таъминлаш мақсадида касаначилик асосида ишлаши учун шароит яратиб берилди. Туманлардаги олис қишлоқларда жойлашган мактабгача таълим ташкилотларига жажжи фарзандларимиз учун бўяш, чишиш ва расм солиши учун жамланмалар ва бадиий китоблар совға қилинди.

Навоий вилоят кўриш имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасида тарбияланувчи болалар билан суҳбат қуриб, улар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишилди. Келгусида ўқувчилар учун сунъий қопламали спорт майдончаси қуриб



Улуғбек ФАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси,
"Zarafshan Golden Group"
компанияси таъсисчиси.

беришни мақсад қилиб олди. Ҳозирда қурилиш жараёнлари бошлаб арафасидамиз.

Компаниямиз томонидан Туркиянинг "Serasan Yapı Teknik" қишлоқ хўжалиги ва инжиниринг иссиқхоналар маркази билан ҳамкорликда Кармана туманининг Маликработ кўрғони худудида барпо этилган замонавий иссиқхона фойдаланишга топширдик. Мазкур мажмуа Голландия ва Туркия технологиялари асосида гидропоника усули билан сабзавот маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланган. Замонавий мажмуанинг умумий майдони 3,5 гектар бўлиб, унинг 3,2 гектарини иссиқхона, 0,3 гектар майдонида эса хизмат кўрсатиш иншоотлари қад ростлади.

Лойиҳа қиймати 2 миллион 600 минг АҚШ доллари бўлган иссиқхона ташкил этиш учун "Туронбанк"нинг молиявий кўмаги асосида 2 миллион АҚШ доллари миқдориде кредит ажратилди. Иссиқхона фаолиятини бошлаш муносабати билан 50 нафар маҳаллий аҳоли иш билан таъминланди.

Яқинда Туркия Республикасида хизмат сафарига бўлиб, янги лойиҳалар ва гоҳлар билан қайтдик. Компаниямиз Туркиянинг "Serasan Yapı Teknik" қишлоқ хўжалиги ва инжиниринг иссиқхоналар маркази ҳамда "Varnet Glass Greenhouse Systems" компанияси билан 10 миллион АҚШ долларлик ҳамкорлик битими имзоланди. Яқин келаятда вилоятимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг энг замонавий, инновацион усуллари асосида ресурс тежовчи ва интенсив агротехнологияларни жорий этган ҳолда экспорттоп маҳсулотлар етиштирилади. Мазкур лойиҳалар орқали агробизнеснинг кластер моделини тadbқиқ этиш ва юртимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшади.

Шунингдек, мазкур турк компаниялари Ўзбекистон Фанлар академиясининг Навоий вилояти бўлими ва вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси билан ҳамкорликда иссиқхона фаолияти билан шуғулланаётган ва шуғулланишни режалаштираётган тадбиркорлар учун соҳада замонавий мутахассисларни тайёрлаш ҳамда илғор тажрибаларни жорий этиш мақсадида махсус ўқув курслари ва мастер-класслар ташкил этиш режалаштирилмоқда. Демак, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, унинг хоригга экспорт қилиш борасида катта марраларни олдиқ.

Уйлайманки, жамиятимизнинг барча қатламлари, жумладан биз каби тадбиркорлар ҳам келгусидаги фаолиятини тўри ташкил этиб, аниқ мақсадларни кўзлаган лойиҳаларни амалга оширади.

Ўзгал ва бетакрор туртимиз бўйлаб баҳор байрами – Наврўзи олам шукуҳи кезмоқда. Янгиланиш ва яшариш айма билан барча юртдошларимизни самимий табриқлаймиз. Тинчлигимиз ва хайрли ишларимизга ҳеч қачон кўз тегмасин!



таъкидлаб ўтдилар.

Тадбиркорликда яширин иқтисодиётга йўл қўймасдан ҳалол ва виждонан фаолият юритишни, янги иш ўринларни яратишни мақсад қилиб олганмиз. Россия, Хитой, Испания, Финляндия, Туркия, Қозғистон каби мамлакатларнингетакчи компаниялари билан эзоқ йиллик ҳамкорлик шартномаларига эгамиз. Қурилиш соҳасига замонавий технологияларни кенг жалб қилган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини камида

ошириш, халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қиладиган зарурий қонунларни қабул қилиш вазифалари турибди.

Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар сенаторлар зиммасига ҳам ката масъулият юклаш билан бирга, жойларда аҳоли билан кўпроқ мулоқотда бўлишни талаб этмоқда. Мен сайловчилар билан кўпроқ мулоқотда бўлиш учун Қизилтепа, Конимех туманлари ва Ҳозгон шаҳарчаси аҳолиси билан учрашувлар ташкил қилиш жараё-

ИПОТЕКА БАНК

Азиз Ватандошлар!
“Ипотека-банк” АТИБ
жамоаси

Сизларни Маврӯз
умумхалқ байрами
билан чин қалбдан
муборакбод этади.
Юртимиз бўлаб
байрам шукуҳи
кезиб юрган
айни даҳзаларга
барчангизга бахт-
саодат,
эл-юрт мансраати
уйлидаги эзгу
ишларингизга улкан
муваффақиятлар
тилайди.

*Жорий йил
мамлакатимиз, ҳар бир
юртдошимиз ҳаётида
омад ва қувончларга,
муваффақиятларга бой йил
бўлсин!*



Навоий вилояти нафақат мамлакатимизда sanoat mahsulotlari ishlab chiqarishda peshqadam hudud, balki qishloq xujaligi sohasida ham ancha tajriba tuplangan, aniq tizim yaratilgan voxa hisoblanadi.



Навоий вилояти

Она ерга ҳаёт бахш этиб...



Таъкидлаш жоизки, вилоятда бир неча йилдан буён ғалла, пахта етиштиришда салмоқли натижаларга эришилиб, миришкорларнинг юзлари ёруғ бўлмоқда. Албатта, бу деҳқонларимизнинг самарали меҳнати ҳамда ўз вақтида амалга оширилган агротехник тадбирларнинг натижасидир.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, йил йилга ўхшамайди. Баъзан об-ҳавонинг ноқулай келиши ҳар қандай тажрибали миришкорни ҳам ташвишлантириб қўяди. Айниқса, бунга ўтган йилларда ортирилган тажриба, яъни гармсел, курғоқчилик, меъеридан ортиқча ёгингарчилик ҳаётий мисол бўла олади.

Сув – ҳаёт манбаи. У нафақат инсоният, balki наботот олами учун ҳам ҳаёт-мамат масаласидир. Сув бор жойда, ҳаёт бор. Обиҳаёт мавж уриб оқётган анҳорлар она ер бағрида ястаниб ётган, ризқ-насиба манбаи – ҳосилдор ерларга жон бахш этади. Агар сув танқислиги кузатилса, демак натижа ҳам шунга яраша бўлади.

Куйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси жонкуяр жамоаси ҳам она ерга обиҳаёт бахш этиш йўлида самарали меҳнат қилиб келмоқдалар. Уларнинг беиминнат кўмаги билан қанчадан-қанча майдонлар сув билан таъминланиб, халқимиз ризқ-насибаси етиштирилди. Бозорларимиз тўқинлиги таъминланди. Фермер ва томорқа ер эгаларининг кўнгли тоғдек юксалди. Албатта, бундай хайрли ишлар бошида туриш, деҳқонга қамарбаста бўлиш шарафли касб. Шу касбни эъзозлаб келаётган бошқарманинг аҳил жамоаси ҳамиша изланишда.

Айниқса, сўнгги йилларда соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар, ҳаётга тадбиқ этилаётган янги технологиялар, мустақам ҳуқуқий база иш самарадорлиги ва юқори натижа гарови бўлаёпти. Хусусан, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, пировард натижада мўл-ҳосил олишга эришиш соҳа жонкуярларининг доимий

диққат-эътиборида.

Шундан кўринадики, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш қишлоқ хўжалиги соҳасидаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Негаки, тупроқ унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлиги, демакки, фермер ва деҳқонларнинг даромади кўп жиҳатдан айнан мелиорация ишларининг ҳолатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда сизот сувлари сатҳини пасайтириш, ерларнинг шўрланиш даражасини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар кўлами йил сайин кенгайтирилмоқда. Сўнгги йилларида қишлоқ хўжалиги тубдан ислоҳ қилиниб, соҳага илгор инновациялар татбиқ этилаётди. Айниқса, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирлар кўрилаяпти. Мазкур тадбирларнинг барчаси бошқарма тизимидаги насос станциялари фаолиятида ҳам ўз аксини топан.

Вилоятда кўплаб йирик ва кичик сув чиқариш электр насос станциялари ишлаб турибди. Уларга бугунги кунда бошқарма

фаолият кўрсатаётган 610 нафар ишчи-қодимлар самарали хизмат кўрсатишади.

Бошқарма 1992 йилда қайта ташкил этилган бўлиб, унга қарашли участкаларда жами 41 та насос станциялари, 182 дона насос агрегатлари ва 154 дона зах қочирини, 232 дона суғориш ва 87 дона яйлов сув таъминоти қудуқлари вилоятнинг пахта, ғалла, боғдорчилик, чорва молларига сув етказиб бериш ҳамда бошқа экинларни суғориш учун хизмат қилиб келмоқда. Бу насос агрегатлар ёрдамида Навоий вилоятининг 112480 гектар қишлоқ хўжалиги экинлари суғорилади. Вилоят ҳудуди нотекислик, қир ва адирлардан иборат бўлганлиги учун насос станцияларисиз суғориш имконияти



чекланган. Шу сабабли, воҳада сув иншоотларига талаб катта. Насос станциялари ва энергетика бошқармаси тасарруфидаги 232 та суғориш қудуғи орқали 4329 гектар қишлоқ хўжалиги экинлари суғорилади. 154 та тик зовур қудуқлар орқали 1954 гектар ернинг захи қочиради.

"Конимех – обиҳаёт" ЛТД ва "Навоий – обиҳаёт" ЛТД корхоналари тугатилиб, мазкур корхоналар тасарруфида бўлган яйлов сув таъминоти тизими иншоотлари ҳам бошқар-

ма таркибига қабул қилинди. Бугун яйлов сув таъминотида 87 та қудуқ фаолиятдан самарали фойдаланилмоқда.

Вилоятнинг суғориладиган ер майдонларини кафолатланган сув билан таъминлаш насос станцияларининг унумдорлигини, эскирган асбоб ускуналарни янгисига алмаштириш эвазига керакли кўрсаткичга қўтариш, ерларнинг унумдорлигини ошириш ижтимоий-иқтисодий, экологик ва салбий таъсирларнинг олдини олиш ҳамда суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириш мақсадида тизимли ишларга қўл урилмоқда.

Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, суғориш ва зах қочирини тизимларини таъмирлаш-тиклаш, сув хўжалиги иншоотлари ҳамда насос станцияларини модернизация қилиш борасида соҳага халқаро молия институтлари, жумладан, Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Хитой Халқ Республикаси Эксимбанки, Япония, Швейцария, Германия ва бошқа давлатларнинг халқаро ҳамкорлик ташкилотлари каби донорларнинг ҳам инвестициялари кенг жалб этилаётганлигини эътироф этиш зарур.

– Бошқармаимиз томонидан насос станцияларини таъмирлаш, янгиларини қуриш каби ишлар доимий олиб борилади. 2014 йилда Хитой Халқ Республикасининг 4 миллион 186 миң АҚШ доллари миқдоридagi кредит маблағлари иштирокида Кармана туманидаги "Касаба" насос станцияси қайтадан реконструкция қилинди. Натيجада ҳудуддаги 6595 гектар суғориладиган ер майдонларининг унумдорлиги орттишига эришилди, – дейди Куйи Зарафшон ИТХБ ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси бошлиғи Нодир Шомуродов. – Бундан ташқари, Франция ҳукуматининг 18,75 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит маблағлари иштирокида Қизилтепа туманидаги "Навоий" ва Хатирчи туманидаги "Учқора" насос станциялари қайта таъмирланди. Ушбу лойиҳалар орқали "Навоий", "Учқора" ва "Конимех-1" насос станциялари ёрдамида Навоий вилоятининг жами 35,7 миң гектар суғориладиган ер майдонлари кафолатланган сув билан таъминланади. Энг муҳими, мазкур лойиҳа орқали янги 25 та иш ўрни яратилади.

Бошқарма жамоаси қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш, қўшимча даромад топиш, бу орқали янги иш ўринлари ташкил этишга ҳам астойдил бел боғлаган. Бошқарма ва унга қарашли насос станцияларида иссиқхоналар ташкил қилиниб, ҳозирги кунда 50 сотих майдонда 587 дона лимон кўчатлари парваришланмоқда. Шунингдек, насос станциялар ва тик қудуқларда ёрдамчи хўжаликлар фаолияти йўлга қўйилиб, 34 бошдан ортиқ қорамол, 285 бошдан ортиқ қўй ҳамда 120 дан ортиқ эчки парваришланмоқда. Паррандачиликни ривожлантириш мақсадида 400 дан ортиқ товуқ, 160 дан ортиқ гўза ва 100 дан ортиқ қурка боқилаёпти.

Сирасини айтганда, мамлакатимизда ерларни соз ҳолатга келтириш орқали қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш иқтисодий-иқтисодий натижа ривожлантиришга хизмат қилаёпти.

Отабек АСЛОНОВ,
"Qishloq hayoti" муҳбири.





“ҚЎҚОНДОНМАҲСУЛОТЛАРИ”

акциядорлик жамияти жамоаси

ватандошларимизни гўзаллик ва
нафосат байрами –

Наврўзи олам

билан самимий қутлайди. Барчангизга
мустаҳкам соғлиқ, чинакам бахт, ҳаётингиз
унутилмас лаҳзаларга бой бўлишини тилайди.

Муҳтарам Президентимиз таклифига
биноан мамлакатимизда Илм,
маърифат ва рақамли иқтисодиётни
ривожлантириш йили деб эълон қилинган
жорий йил ҳар биримиз учун орзулар рўёби
йили бўлсин! Ютуқларимиз салмоғини
янада ошириш йўлидаги эзгу ишларимиз
ҳамиша бароридан келсин!

Яна бир бор байрамингиз билан, қадрли ватандошлар!



Аждодларимиз асрлар давомида асраб, эъзозлаб келган
Наврўз барчамизга хурсандчилик улашмоқда. Дилларда
сурур, завқу шавқ жўш урган баҳорнинг шундай
қутлуғ дамларида ҳамюртларимизни муборак айём
билан табрикляётганимиздан қувончимиз чексиз.
Шу фурсатдан фойдаланиб, ватандошларимизга
бахт-саодат, оилаларига тинчлик-тотувлик,
дастурхонларига қут-барака тилаймиз. Янги-янги
марралар сари руҳлантираётган айти шу илҳомбахш
лаҳзалардаги хуш кайфият доимо ҳамроҳингиз бўлсин!

Табиат уйғонди сени соғиниб,
Ялпиз кўкатлардан сомсалар ёпиб,
Сумалак таъмини қумсаб, энтикиб
Наврўзим, мен сени соғиндим бу кун!



“Қизилтепа ун заводи”

акциядорлик жамияти жамоаси

Фарғона вилояти

Кейинги йилларда Фарғона вилоятида жами 346 нафар талабгорнинг 10200 гектар ердаги экинларида томчилатиб суғориш, 400 гектар ғалла, 110 гектар сабзавот ва озуқабоп экинларда ёмғирлатиб суғориш, 1000 гектар пахта майдонида пульсар усулида суғориш технологиясини жорий қилиш режалаштирилди. Ушбу тадбирларнинг асосан сув таъминоти оғир бўлган ҳудудларда амалга оширилиши юзасидан манзилли рўйхат шакллантирилди.



Замонавий технологиялар ҳар жиҳатдан афзал

Ҳозирги кунда қатор ташкилотлар билан 191 фермер хўжалиги ва 2 та кластер ташкилотининг жами 4070 гектар пахта майдонида томчилатиб, 400 гектар ғалла майдонида ёмғирлатиб, 1000 гектар пахта майдонида пульсар усулида суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича қурувчи пудрат корхоналар билан шартномалар расмийлаштирилди, 1000 гектар пахта майдонида пульсар усулида қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Шунингдек, “Агробанк” АТБ томонидан қурувчи корхоналар ҳисоб рақамларига дастлабки бўнак тўловлар ўтказиб берилмоқда.

Вилоятда ўтган йили ушбу янгилик-



Якуний таҳлиллар аънавий усулга нисбатан ресурс тежамкор усулда сув ресурслари 50, минерал ўғитлар 60, механизация хизмати 35, ёқилғи мойлаш маҳсулотлари 60 фоизга иқтисод қилинганини кўрсатди.

Ҳар бир ишнинг самараси иқтисодда кўринади ёки олинган ҳосилда намоён бўлади. Ана шу сув тежаш технологиясида ишлангани туфайли ушбу майдонларда ҳосилдорлик 20-25 центнергача ошди.

НАМУНА УЧУН НЕГА ФАРҒОНА ТУМАНИ ТАНЛАНДИ?

Бу бежиз эмас эди. Бу туманда ушбу технологиялар кўпроқ қўллангани ва шундан яхши натижа қайд этилгани, қолаверса, мутахассисларида, фермерларида ушбу технологияларга бошқача нигоҳ билан ёндашилаётгани туфайли танланди. Ҳақиқий воқелик ҳам, кўрсаткичлар ҳам шундан далолат беради.

Қурама тизма тоғларининг шундоқ эстагида жуда кўп экин майлонлари ястаниб ётган бу тумanning оддий деҳқонлари қадим замонлардан бери сув тақчиллигига кўп учрагани сабабли ҳар қатра сувдан тежеб-тергаб фойдаланишни одат қилишган. Ҳаттоки, сел ва ёмғир сувларини ҳам махсус омборга тўплашади, кейин керакли пайтда иқти-

сод билан фойдаланишади. Агар шу сувларни тўплаб олмаганларида анча қийинчиликларга дуч келган бўларди. Вилоятда сел омбори сувига муҳтожлик бор. Аммо фойдаланиш самараси ундан ҳам юқори...

Фарғона туманида жорий йилда сув

тижорат банклари томонидан тўловлар амалга оширилди. 1000 гектар пахта майдонида пульсар усулида суғоришни ташкил этиш бўйича қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Инновацион технологияларни жорий этиш бўйича бош мутахассисимиз Эркинжон Пармонов бир неча йилдан бери фермерларга, боғбонлар ва узум етиштирувчиларга, кластер ходимларига амалий ёрдамини аямайди.

Фарғона туманида қўлланилаётган инновацион ғоялар асосида томчилатиб суғориш технологиялари бераётган самарани ўрганган вилоятнинг бача шаҳар ва туманларидаги кўпчилик фермерлар бу усулни қўллаш истагини билдирдилар. Бундан ташқари, фарғоналикларнинг бу соҳадаги эгаллаган тажрибасини ўзларида қўллаш учун қўшни республикалардан ҳам ушбу соҳа мутахассислари ва фермерлар ўтган йилнинг ёз мавсумидан бери бир неча бор келиб кетдилар. Мисол учун улар



нинг жорий қилиниши қандай бўлган эди, деган саволга янгилик тўсиқларни бемаъл ол энгиб ўтди, дея жавоб бериш мумкин. Жами 3000 гектар ерда сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилиб, ҳосилдорликда ўсишга энришилди.

Вилоятда ўтган йили 1 та пахта тўқимачилик ишлаб чиқарувчи кластер корхонаси ва 13 та фермер хўжалиги томонидан 312 гектар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этилди. Фермер хўжаликлари ҳисоб рақамларига ҳар бир гектари учун 8 миллион сўмдан жами 2 миллиард 496 миллион сўм субсидия маблағлари ўтказиб берилди. Бу ҳам фермерларнинг иқтисодий ҳолатига катта кўмак бўлди.

2019 йилда мазкур технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари доимий равишда мониторинг қилиб борилди.



тежовчи технологиялардан фойдаланиш бўйича 36 нафар талабгорнинг жами 1967 гектар, шундан 815 гектарида томчилатиб, 152 гектарида ёмғирлатиб ҳамда 1000 гектарида дискретли (пульсар) суғориш тизимини жорий қилиш режалаштирилган.

– Қўлимдаги маълумотларга қараганда, ҳозиргача 36 та фермер хўжалиги ва 1 та кластер ташкилотининг жами 600 гектар пахта майдонида томчилатиб, 152 гектар ғалла майдонида ёмғирлатиб, 1000 гектар пахта майдонида пульсар усулида суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича қурувчи пудрат корхоналари билан шартномалар расмийлаштирилди, – дейди Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғи Алломжон Фозилов. – Бу сув тежовчи технологияларнинг 15 нафар талабгори ихтиёрида 280 гектар пахта, 80 гектар ғалла ҳамда 350 гектар боғ майдонлари бор. Уларга мазкур технологияни ўзларида жорий этиш учун

Чимён қишлоғидаги “Чимён Шухрати” фермер хўжалигида бўлганларида томчилатиб суғориш туфайли бир йилда ҳосилдорлик гектарига 20-25 центнердан ошганлигини ва бунинг натижасида моддий манфаатдорлик 2-2,5 баробар кўпайганлигининг гувоҳи бўлдилар.

– Фарғона туманидаги фермер Шавкатжон Қаюмовнинг ўз даласида қўллаган томчилатиб суғориш тажрибасини ўзимизда қўллаб, самарадорликни 2,5 ҳиссага кўпайтидик, – дейди қўшни қирғизистонлик Зоҳиджон Нўъмонов. – Фарғоналик биродарларимизга бунинг учун раҳматлар айтмаиз. Деҳқончиликда илгари мавжуд бўлиб турган ўзаро ҳамкорлигимиз қайта тиклангани жуда яхши бўлди.

Бундай мисоллар ягона эмас. Мухтасар қилиб айтганда, инновация туфайли деҳқон ҳам, боғбон ҳам, чорвадор ҳам наф кўраятти.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.



“Аму-Сурхон”

ирригация тизимлари ҳавза
бошқармасининг аҳилу иноқликда,
ҳамжиҳату ҳамфикрликда фаолият
юритаётган жамоаси

*ватандошларимизни, шу жумладан, республикаимиз ирригация
тизимларида самарали меҳнат қилаётган фидойи соҳа
вакилларини, устозларини*

Наврўз умумхалқ байрами

*билан муборакбод этади. Илоҳим, жонажон Ватанимизга, унинг бағрикенг,
меҳнатсевар ва меҳмондўст халқига асло кўз тегмасин! Доимо дарёларимиз сувга
тўла, бободехқонларимизнинг ҳосиллари ҳар йилгидан-да баракали бўлсин!*

Байрамлар байрамларга, тўйлар тўйларга уланаверсин!

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ – АМАЛДА

Президентимиз ўтган йили Сирдарё вилоятига ташрифлари чоғида воҳадаги қурилиш, бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, маҳаллийлаштириш дастури доирасида вилоятнинг ўзида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш хусусида тавсия берган эдилар.

"Кўк сарой" лак-бўёқлари – экспортга

Давлатимиз раҳбарининг таклифи ва тавсиялари бўйича ўтган йилнинг ўзида вилоятда ўндан ортиқ қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган корхоналар, тадбиркорлик субъектлари ишга туширилди.

Гулистон шаҳри "Баҳор" маҳлласидаги "Кўк сарой" лак-бўёқ ва қуруқ қоришмалар ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятининг йўлга қўйилганлиги ҳам ана шу тавсия ва маҳаллийлаштириш дастури ижросининг амалдаги ифодасидир. Чунончи, мазкур корхонада тайёрланаётган 12 турдаги лак ва бўёқлар, 10 турдаги қуруқ қоришмалар айна вақтда вилоятда бунёдкорлик ишларини жадал давом эттираётган қурилиш ташкилотларига, "Ховос сити"даги бунёдкорларга, шунингдек, Тошкент вилоятининг Янгийўл, Чиноз, Тўйтепа туманларидаги қурилиш ташкилотларига реализация қилинаётган. Айна вақтда ҳам корхонада ойига 136

тонна лак-бўёқ ва қуруқ қоришмалар ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга ерказиб берилаётган.

Германия технологияси билан жихозланган корхонада тайёрланаётган лак-бўёқ ва қуруқ қоришмаларнинг сифатига гап йўқ. Шу боис бу йилдан бошлаб корхона маҳсулотларини Тожикистон давлатига кенг миқёсда экспорт қилаётган.

– Ҳар ойда 68 тонна сифатли лак-бўёқ экспорт қилаёмиз, – дейди корхона менжери Арслонбек Икромов. – Маҳсулотларимиз турини янада кўпайтириш учун 2020 йилда янги лойиҳаларни амалга оширишни ҳам олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу эса корхонада лак-бўёқ тайёрлаш суръатларини ошириш билан бирга яна ёшлар учун 4-5 та янги иш ўринлари яратиш имконини беради.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ.
"Qishloq hayoti" мухбири.

Қурилиш майдонларида ёнғиннинг олдини олиш

Пойтахтимиздаги қурилиш, ободонлаштириш ишларини шахримизнинг ҳар бир гўшасида кузатишимиз мумкин. Ҳашаматли иншоотлар, боғлар барпо этилиб, баъзиларида таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилаётган бир пайтда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари зиммасига ҳам ушбу масканларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиниши юзасидан назоратни кучайтириш юклатилади.

Қурилишда меъёр талабларининг бузилиши кўнгилсиз ҳодисалар, аксар ҳолларда инсон ҳаётига жиддий хавф туғдириши мумкин. Ўтган 2019 йилда Тошкент шаҳрида олиб борилаётган баъзи қурилиш майдонларида ёнғинлар содир бўлган.

Масалан, Юнусобод тумани 4-мавзе 78-уй ёнида жойлашган "ОС МИНОРА" МЧЖга қарашли янги қурилаётган турар-жой биносида ёнғин содир бўлган.

Юнусобод тумани Навоий кўчасида жойлашган "Пойтахт қурилиш хизмати" ДУКга қарашли янги қурилаётган меҳмонхона биносининг ертўласида 45 м² ёнғин содир бўлган.

Бектемир тумани Мажнунтол маҳалласида янги қурилаётган яшаш уйида 1 нафар фуқаро кўл-бола иситиш печидан фойдаланиш оқибатида куйиш тан жароҳатини олиб, сўнгра касалхонада вафот этган.

Яратувчанлик йўлида ўзларининг беминнат ҳиссаларини кўшаётган қурувчилар иш жараёнида хавфсизлик ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари билан ўзларининг хавфсизлигини ҳамда оила аъзоларининг хотиржамлигини таъминлаган бўладилар.

Ислом РИХСИБОВ,
Бектемир тумани ФВБ
ПванБ инспектори лейтенант.

"НАМАНГАНМАХСУССУВПУДРАТ"

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни, шу жумладан, ирригация ва мелиорация соҳасида самарали меҳнат қилаётган ҳамкасб дўстларини янгилашни, уйғониш фаслининг қутлуғ айёми –

Наврўзи олам

муносабати билан муборакбод этади. Бободехқонларимизнинг эзгу ният ила ерга қадаган уруғлари баракали, жорий деҳқончилик йилида ҳам бунёд этажак ҳосил хирмонлари янада юксак, ютуқлари салмоқли бўлишини тилайди.

Эзгу орзуларимиз ижобати, бошлаган хайрли ишларимиз рўёби ва роҳатини кўриш бахти барчамизга насиб қилаверсин!



Наврўз – қадим қадриятлар таровати

Наврўз Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ халқларининг қадимий, анъанавий янги йил байрами. Наврўз байрами ҳақида Абу Райҳон Берунийнинг “Китоб ат-тақвим” (“Тушунтириш”) ва “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарларида маълумот берилади. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғотит-турк” асарида баҳорга ва Наврўз байрамига бағишланган халқ лирик кўшиқларидан намуналар учрайди. Умар Хайёмнинг “Наврўзнома” китобида ҳам Наврўз байрами ҳақида қимматли маълумотлар бор.



Наврўз байрамининг пайдо бўлишини Абулқосим Фирдавсий ўзининг “Шоҳнома” асарида афсонавий ҳукмдор Жамшид номи билан боғлайди. “Жамшид темир эритиб қурол ясашни, ип йигириб, тўқиб, кийим тикишни, уй, ҳаммомлар қуришни ихтиро қилади, сўнг кишиларни ўз қобилияти ва хунарига қараб гуруҳ-табақаларга ажратади. Ниҳоят бир куни бир тахт ясади, унда осмонга кўтарилди, бу фарвардиннинг биринчи куни эди. Ҳамма жуда бахтиёр, ғаму андуҳни унутиб, шу куни барча Жамшидни табриклайди ва байрам янги йил (Наврўз) боши бўлиб анъанага айланиб қолади”.

Наврўзнинг қачон ва қандай вужудга келганини аниқ кўрсатиш қийин. Шуниси аниқки, Наврўз коинот ва табиат қонуниятлари, яъни кўёшнинг ҳамал буржига кириши, кеча ва кундузнинг узая бошлаши, табиатда жонланиш юз бериши, баҳорнинг келиши билан боғлиқ тарзда илмий асосланиб белгиланган. Бу эса ҳар қандай жойда “йил боши” (қачон келишидан қатъи назар) Наврўзни табиат байрами сифатида нишонлаш учун асос бўлган.

Хитойдан то Болқонга қадар чўзилган минтақада муайян халқлар, хусусан Эрон, Афғонистон, Ироқ, Сурия, Озарбойжон, Баҳрайн, Ливан, Покистон, Ҳиндистон, Ўрта Осиё мамлакатлари, Туркия, Албания ва бошқа ердаги форс ва туркий миллатлар баҳорги тенгкунликни бир неча минг йилдан бери тантана билан кутиб олади.

Қадимги Хитой муаррихи Вэй Цзе самарқандликларнинг Наврўзи ҳақида шундай ёзган: “Уша куни подшоҳ ҳам, халқ ҳам янги либосларини киядилар, соч-соқолларини олдирадидилар. Шаҳарнинг кунчиқар тарафидаги дарахтзор ёнидаги майдонда тўпланишиб, байрам қиладилар. Етти кун мобайнида мохир чавандоз от чоптириб, камондан нишонга ўқ отиш баҳсида қатнашадилар. Еттинчи кун нишон ўрнида олтин танга қўйилади ва уни бехато урган мерган бир кун шоҳлик қилиш ҳуқуқини кўлга киритади”.

Наврўз таомлари

Уч минг йилдан зиёд тарихга эга бўлган Наврўзи олам – шарқона янги йил ўзининг янгилини, баҳор нафасини бошлаб келиши, халқимизнинг табиати, онгу тафаккури, қалбига чуқур сингиб кетгани, ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадонга шоду хуррамлик олиб кириши билан биз учун энг қадрли, азиз ва суюкли миллий байрамдир. Наврўз кунда юртимизнинг ҳар бир гўшасида баҳорий таомлару, турли миллий ўйинларга алоҳида урғу берилади. Хусусан, миллий таомларимиздан сумалак, ҳалим, кўк сомса, кўк чучвара кабилар байрам дастурхонининг кўркига айланади. Айниқса, сумалак базмларининг ўзгача гашти бор.

Муסיқа

Муסיқада Наврўз атамаси ўн икки мақом тизимидаги овозлардан бирини англатиб, бир неча шўба номининг таркибий қисми саналади. Масалан, ўн икки мақом тизимида Наврўзи аҷам, Наврўзи араб, Наврўзи баётий, Наврўзи хоро, Наврўзи Сабо каби шўбалар бўлган. Шашмақомнинг наср деб аталадиган шўбалари қаторида Наврўзи Сабо, Наврўзи аҷам ва Наврўзи хоро учрайди.



Сумалак тайёрлаш анъанасининг тарихи қадим-қадимларга бориб тақалади. “Сумалак” атамаси – “шарбат учун қилинган”, “ундирилган арпа” маъносини англатувчи қадимги туркий сўз бўлмиш “сума”дан келиб чиққан.

Манбаларда қайд қилинишича, қадимги аждодларимиз эрта кўкламда келаётган йилнинг баракали бўлишини ният қилиб, муқаддас ўсимликлардан бирини туйиб, ширасини олганлар ва маросим амалларини бажариш чоғида уни тановул этганлар.

Ҳалим (Ҳалиса) буғдой ва мол гўшtidан тайёрланадиган қадимий миллий таомларимиздан бири. Ҳалим тайёрлаш учун қайроқи буғдой бир оз намланиб, ёғочда туйилиб, совуқ сувда ювилади, сўнг 5-6 соат давомида илиқ сувда ивотилади.

Ўсимлик ёғи қиздирилган қозонда лўнда-лўнда тўғралган гўшт қовурилади, сўнг тайёрланган буғдой солиниб, дарҳол сув қуйилади ва 2-3 соат давомида паст оловда қайнатилади. Таомни тўттовсиз кавлаб туриш лозим. Минг дардга даво бўлган миллий таомларимиз Наврўз дастурхонига ўзгача кайфият, шукуҳ бағишлайди.



Халқ ўйинлари

Наврўз байрамида ҳам жуда кўпгина миллий ўйинларимиз буй кўрсатади. Бу шодиёна “Кураш” “Кўпкари”, “Арқон тортиш”, “Чиллак”, “Хўроз уриштириш”, “Оқ теракми, кўк терак”, “Бештош”, “Тез айтиш”, “Ким олади-ё, шугинани-ё?” каби қувноқ ўйинлар билан янада гаштли ва унутилмас ўтади.

Яшариш ва янгилини, меҳр-оқибат айёми, боқий байрам – Наврўз қачон ва қаерда бўлсин, моҳиятан фақат ва фақат эзгуликка хизмат қилади. Байрамингиз муборак бўлсин, қадрли юртдошлар!



JOHN DEERE

MONOSEM



"Monosem" kompaniyasi paxta, moш, makkaжухори va соя уруғларини экиш учун аниқ экадиган сеялкани тақдим этади. Қатор сони: 4, 6, 8 va 12. Қатор оралиғи: 60 см, 76 см, 90 см. Шунингдек экиш пайтида минерал ўғитлар va гербицидларни қўллаш мумкин.

WWW.LANDTECH.UZ

+ (998) 90 325 49 99

+ (998) 93 181 11 66

+ (998) 78 150 76 66

Маҳсулотлар сертификатланган.

Хизматлар лицензияланган.



ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» VA «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул va пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Хизматлар лицензияланган.

М.Улуғбек т. ДХМ томонидан рўйхатга олинган "ERA" МЧЖга тегишли бир дона думалоқ муҳр, бир дона бурчак тамғаси, Устав va кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Шайхонтоҳур т. ДХМ томонидан рўйхатга олинган ЯТТ "AKMALOV MIRAZIM BAXODIR O'G'LI"га тегишли бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик va идоралар.

Бош муҳаррир
Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир хайъати:
Жамшид ХУҲАЕВ,
Шавкат ҲАМРОЕВ, Шуҳрат ТЕШАЕВ,
Муҳаммадҷон ТОШБОЛТАЕВ,
Актам ХАЙТОВ,
Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР.

Ҳабиб ТЕМИРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Раимқул СУЯРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Аграр масалалар бўлими – 236-26-47.
Хатлар va жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78.
Факс – 233-44-43, 233-09-93. **Реклама va эълонлар** – 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz **e-mail:** info@qishloqhayoti.uz

Ўзбекистон Матбуот va ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Буюртма Г-325, ҳажми 4 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3.

Манзилими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Газета таҳририятининг ўзида компьютерда терилди va дизайнер **Маркс ЮСУПОВ** томонидан саҳифаланди. 5 131 нусxada чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 02.50

ISSN 2010-7021



4 772 010 7020 07

Баҳоси келишилган нарҳда. Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Булоқ Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6